

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 7 август • № 25-26 (1306-1307)

ПАНДЕМИЯНИ ЖИЛОВЛАШГА ҚАРАТИЛГАН САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида навбатдаги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон бўйлаб коронавирус пандемиясини жиловлash борасида амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

Жумладан, охириги пайтда дунёда COVID-19 инфекциясининг тарқалиши кескин тезлашиб, жами касаллар сони 19 миллионга яқинлашгани, қурбонлар ҳам кўпайгани афсус билан таъкидланди. Вазият гоят жиддийлигини 31 июлда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти пандемия билан боғлиқ халқаро фавқулодда ҳолатни яна 3 ойга узайтиргани ҳам кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда охириги бир ҳафтада 5 мингдан ортиқ янги касал аниқланиб, жами вирус юқтирганлар сони 27 мингга яқинлашди. Энг ёмони, коронавирусга қўшимча тарзда, асорати оғирроқ бўлган пневмония ҳолатлари ҳам кўпаймоқда. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, юртимизда қўшимча чоралар кўрилди. Жумладан, охириги 20 кунда коронавирусни даволаш ўринлари 3,5 баробарга кўпайтирилди ва қарийб 65 мингга етказилди. Жойларга қўшимча равишда қарийб 800 та тез тиббий ёрдам машиналари етказиб берилди. Қўшимча 4 мингта нафас бериш ускуналари (ЎСВ, портатив сунъий нафас бериш аппарати, кислород концентратори) олиб келиниб, уларнинг сони 6,5 мингга етди.

Аҳоли ўртасида вирус тарқалишининг олдини олиш ва беморларни даволаш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларни янада кучайтирган ҳолда

давом эттиришимиз зарур, – деди Давлатимиз раҳбари.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари коронавирус ва пневмонияни даволаш бўйича ҳар томонлама тайёр бўлиши, ҳар бир беморга керакли тиббий ёрдам кўрсатилиши, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб шифохонага ётқизилиши ва даволаниши учун шахсан жавобгар бўлиши қайд этилди. Жойлардаги бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизими ишини янада жонлантириш кераклиги таъкидланди. Мисол учун, пойтахтимизда “оилавий поликлиника – мобил бригадалар – махсус поликлиникалар – “103” тез ёрдам хизмати” тизимининг узвий ишлашини таъминлаш ҳисобига бир ҳафтада соғайганлар улushi 45 фоиздан 58 фоизга оширишга эришилди. Шу муносабат билан, Бош вазир ўринбосари Беҳзод Мусоевга ҳокимликлар ва сектор раҳбарлари билан бирга бир ҳафта мuddатда “Тошкент шаҳри тажрибаси” негизида ҳудудларда симптомсиз беморларни ўз уйида мобил тиббий гуруҳлар ёрдамида уларнинг кўмак ва тавсиялари асосида даволаш тизимининг жорий этилишини яқунлаш вазифаси юклатилди.

Шавкат Мирзиёев таъкидладидек, ҳар бир оғир беморни даволаш тактикаси бўйича юртимиз ва хориждаги малакали

мутахассислар билан видеоалоқа орқали маслаҳат бериш тизимини мунтазам равишда унумли ишлатиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, бугун қатор мамлакатлар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимларида коронавирус давосини топиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда. Мисол учун, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Россия фармацевтика компаниялари яқин вақт ичида вакцина ишлаб чиқаришни бошлаши ҳақида хабар қилинган.

Бош вазир ўринбосари Беҳзод Мусоевга бир ҳафта мuddатда етакчи олимлар ва тажрибали шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда, вакцинани харид қилиш ва мамлакатимиз аҳолиси вакцинациясини амалга ошириш йўлини пухта ўрганиб чиқиш топшириғи берилди. Касалликнинг олдини олиш, коронавирусга шубҳа бўлган фуқароларни шифохоналарга етказиш, карантин талабларини тушунтириш ва бу жараёнда жамоатчилик назоратини амалга оширишда жойларда маҳалла идораларининг иштирокини кескин кучайтириш кераклиги ўқтирилди. Чўки халқимиз турли хил масалаларда биринчи навбатда маҳаллага мурожаат қилишга ўрганган.

– Республика бўйича 9 минг 150 та маҳаллада қарийб 40 минг одам бюджетдан ойлик олиб ишлайди, – дея таъкидлади Давлатимиз раҳбари. – Уларнинг ойликларини ҳам жорий йилда қарийб 1,5 баробарга ошириб бердик. Шундай оғир шароитда нима учун улар четда туришлари керак? Ўз аҳолисининг аҳолидан

яқши хабардор бўлган, қайси хонадонда қандай бемор борлигини, кимнинг яшаш шароити қандайлигини, ким ёрдамга, ким врачга муҳтожлигини улардан яқши билдирган бошқа одамнинг ўзи йўқ тизимда.

Бунинг учун ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари ҳар бир маҳаллада маҳалла раислари, профилактика инспектори ва бошқа ходимлар, маҳалла фаоллари ва нурунийлар, маҳаллаларга бириктирилган тиббиёт муассасалари ходимларини бирлаштириб, ўз худудидаги аҳоли, айниқса кексалар ҳолидан кўнига хабар олиш, коронавирусга шубҳа бўлган ва касалликка чалинганларни тез тиббий ёрдам хизмати ва шифокорлар билан боғлашни ташкил этишга бош-қош бўлишлари шартлиги тайинланди.

Шунингдек, улар ёрдамга муҳтож оилаларга озик-овқат, уйда даволанишга тавсия қилинган беморларга дори-дармон етказиб бериш ишларида фол иштирок этишлари лозим.

– Бунга қўшимча равишда, улар маҳалла худудида аҳолининг зарурат бўлмаसा кўчага чиқмаслиги ва тўпланмаслиги, тиббий маска тақиб юриши ва ижтимоий масофани сақлаши, тўй ва тадбирларни вақтинча ўтказмаслиги каби мажбурий талабларни доимий тушунтириши ва жамоатчилик назоратини амалга оширишлари шарт ва зарур, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Ў.А.

МАШАҚҚАТЛИ МЕХНАТЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, мавjud хатарларга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, юртимизда санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг матонатли, билим ва салоҳияти, профессионал маҳоратини намойён этиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қолиб, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги улкан жасорати ва фидойилиги учун бир гуруҳ юрtdошларимиз жорий йилнинг 23 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони билан

Ахундов Олимжон - Наманган вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бактериолог шифокори
Алимов Анвар Валиевич - Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори
Баротова Венера Джараевна - Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори
Ливерко Ирина Владимировна - Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари
Мусабаев Эркин Исакович - Республика вирусология илмий текшириш институти директори

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Акилов Хабибулла Атауллаевич - Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори
Атабеков Нурмат Сатинилович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик назорати давлат инспекцияси бошлиғи - Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария инспектори
Джаппарова Гулсім Танирбергеновна - Қонимех тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими инфекционист шифокори, Навоий вилояти
Имамқулов Абдуқамол Базорович - Жарқўрган тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими инфекционист шифокори, Сурхондарё вилояти
Матназаров Исмоил Саидович - Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмасининг

юқумли касалликлар бўлими шифокори, Хоразм вилояти

Менглиев Зулфитдин Давроневич - Ромитан тумани марказий шифохонасининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматолог, Бухоро вилояти

Мустафаев Хайрулла - Республика вирусология илмий текшириш институти бош илмий ходими

Новикова Наталья Борисовна - Миробод тумани кўп тармоқли поликлиникаси инфекционисти, Тошкент шаҳри

Рузиев Мурот Самадович - Фузур тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифохонаси инфекционист шифокори, Қашқадарё вилояти

Рустамов Дилдора Абдумаликовна - Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори

Тўйчиев Лазиз Надиорович - Тошкент тиббиёт академияси ректори

Худайназаров Одилбай Абдинамович - Қорақалпоғистон Республикаси болалар юқумли касалликлари шифохонаси шифокори

I даражали “Саломатлик” ордени билан

Азимов Абдуваҳид Ваҳабжанович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи

Алмарданов Шухрат Қудратович - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бошқар

масининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкиллаштириш бошқармаси бошлиғи

Асилова Мухайё Убаевна - Республика вирусология илмий текшириш институти клиникаси бош шифокори

Ахмеджанова Умида Низамовна - Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси катта шифокори

Ғофурова Умида Рахимовна - Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекционист шифокори

Дадабаев Файзуллохон Абдукахарович - Наманган вилояти юқумли касалликлар шифохонаси шифокор-бактериолог

Жуманиязов Давронбек Хусанбоевич - Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

Қодирова Саида Ниёзовна - Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими ҳамшираси

Мирқасимова Холида Хафизовна - Республика вирусология илмий текшириш институти лабораторияси вирусология бўлими бошлиғи

Муминов Солижон Джалилович - Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

Партиева Наргиза Нурсатовна - Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

(Давоми 2-бетда).

МАШАҚҚАТЛИ МЕХНАТЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Сайдалиев Сайдимурат Сайдиганиевич - Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази директори

Сандязиева Хушнур Саидсалиевна - Республика вирусология илмий текшириш институти клиникасининг болалар ўткир гепатит касалликлари бўлими mudiri

Салихбаева Умида Саидовна - "Дори-дармон" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Саттаров Хасан Илхамович - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий маркази кардиотерапевтик реанимацияси бўлими mudiri

Таджибаев Гафурджан Ходжибаевич - Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси марказининг ўлат, эпидемиология ва бактериология лабораторияси шифокори

Хашимова Хилола Назруллаевна - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси инфекционист шифокори

Хусайнов Бахтиёр Рахमतчи - Китоб тумани юқумли касалликлар шифохонаси шифокор-инфекционисти, Қашқадарё вилояти

Шарипова Калбике Жумагалыевна - Қорақалпоғистон Республикаси болалар юқумли касалликлар шифохонаси шифокори

Юлдашева Зарипа Мирмахмудовна - Республика вирусология илмий текшириш институти лабораторияси шифокор-лаборанти

II даражали "Саломатлик" ордени билан

Акмизрова Сайёра Тоштемировна - Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси кичик тиббий ходими

Алимов Сахиджан Гаппарович - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси шифокор-реаниматологи

Алимова Бахриниса Ахматова - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси кичик тиббий ходими

Ахмедова Дилфуза Тажикуловна - Сирдарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг вирусология лабораторияси mudiri

Ахундаева Ёкутхон Ахметовна - Наманган вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг жонлантириш бўлими ҳамшираси

Ачилова Инобат Нутфиловна - Когон тумани тиббиёт бирлашмаси неонатологи, Бухоро вилояти

Боймурзаев Абдисодиқ Исламович - Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси инфекционист шифокори

Бувабекова Дилфузахон Мадаминова - Андижон тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси, Андижон вилояти

Валназарова Зулфия Қумишановна - Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими

(Давоми. Боши
1-бетда).

катта ҳамшираси

Гафурджанова Наиба Нигматовна - Сирдарё вилояти ОИТСга қарши кураш маркази лабораториясининг катта лаборанти

Джумашев Алишер Нишанбаевич - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясининг 1-бўлими шифокори

Дугматовна Динара Темирбулатовна - М.Федорович номидаги клиник санитариясининг диагностика лабораторияси mudiri

Ешмуратова Раёно Ендирбаевна - У.Халмуратов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематология бўлими ҳамшираси

Жумаева Диловар Тураевна - Қашқадарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг вирусология лабораторияси лаборанти

Заретдинова Гулайим Тилеғовна - Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 8-оилавий поликлиникаси оториноларинголог шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Зухурова Шаҳодат Жалиловна - Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Тошкент вилояти

Ибрагимходжаева Алия Шавақатовна - Республика вирусология илмий текшириш институти клиникасининг биокимёв диагностика лабораторияси шифокор-лаборанти

Изимбетова Анаргул Ахмедовна - Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация-анестезиология бўлими шифокори

Инагамова Гулмира Нуритдинова - Тошкент шаҳридаги 1-клиник шифохонасининг аллергология бўлими катта ҳамшираси

Искандаров Абдухалил Музафарович - Марҳамат туманидаги 31-қишлоқ оилавий поликлиникаси шифокори, Андижон вилояти

Кудашева Людмила Владимировна - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги бош мутахассиси

Қурбанов Ботиржон Журабаевич - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директорининг биринчи ўринбосари

Қучқорова Севар Абдукаҳаровна - Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси

Қутлимуратов Баҳадир Бақитбаевич - Қорақалпоғистон Республикаси давлат санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокори

Маматкулова Фотима Ташбаевна - Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг вирусология лабораторияси шифокори

Машарипов Илхамбай Давлатбаевич - Янгибозор тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори, Хоразм вилояти

Мирзоева Файзилатхон Нейматовна - Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими ҳамшираси

Норбутаев Одилжон Мамадалиевич - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали са-

нитария ҳаво йўллари ва фавкулда вазиятларда тиббий ёрдамни ташкил этиш бўлими mudiri

Нормаматова Феруза Каршибаевна - Қашқадарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг бактериолог шифокори

Норова Малоҳат Мустафоевна - Қизилтепа тумани санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг бактериология бўлими лаборанти, Навой вилояти

Пулатов Абдурашид Қаҳаржонович - Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой карантин зонаси давлат корхонаси ошпази, Тошкент вилояти

Пулатова Гулнора Батировна - 1-Марказий консултатив-диагностик поликлиникасининг махсус бўлими отоларинголог шифокори

Рискиев Бахтиёр - Тошкент вилояти ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори

Сағатова Адолат Паттоҳовна - Олмазор туманидаги 17-оилавий поликлиника шифокори, Тошкент шаҳри

Сарибаева Замира Журановна - Жиззах вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази эпидемиологик мониторинг ва профилактик тадбирларни ташкил этиш бўлими – эпидемиолог врач

Семина Елена Александровна - Сергели тумани тиббиёт бирлашмаси онколог-шифокори, Тошкент шаҳри

Султонов Бозорбой Олтинович - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий маркази Фаргона филиалининг болалар реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Ўролов Ойбек Абсаломович - Республика вирусология илмий текшириш институти клиникаси жонлантириш бўлими шифокори

Хамрақуллов Қодиржон Акрамжонвич - Пахтабод тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори, Андижон вилояти

Хамрақуллов Уктам Холбутаевич - Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими mudiri

Хашимова Саодат Сақиджоновна - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси ҳамшираси

Ходжаева Азиза Шабатовна - Тошкент шаҳри "De-factum laboratories" клиникаси шифокори

Ходжиев Акмалжон Анвар ўғли - 1-Марказий консултатив-диагностик поликлиникасининг тез тиббий ёрдам бўлими катта фельдшер

Хомидов Фахриддин Мирзоумарович - Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими реаниматор-анестезиолог

Хусанов Анвар Мирзақбарович - 1-Республика клиник шифохонаси бош шифокори

Хамроева Зейнобис Асроровна - Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси ҳамшираси

Чориева Рамила Гайбуллаевна - Миришкор тумани Жейнов шифохонаси умумий амалиёт шифокори, Қашқадарё вилояти

Шайимов Равшан Юлдашович - Ангор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли юқумли касалликлар бўлими mudiri, Сурхондарё вилояти

Юнусова Узейнаҳон Яхьяновна - Фаргона вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси

Яқубов Аҳмаджон - Фаргона вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокори

"Жасорат" медаллари билан

Джуманиязова Зулфия Юлдашовна (марҳум) - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали неврология бўлими катта ҳамшираси

Тухтаева Феруза Аскарровна (марҳум) - Олмазор туманидаги 18-оилавий поликлиникаси катта ҳамшираси, Тошкент шаҳри

Уралов Алишер Ташкуватович (марҳум) - Яқсарой туманидаги марказий поликлиникаси ультраовуш ташхиси шифокори, Тошкент шаҳри

Хамрақуллов Ботир Жабборович (марҳум) - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали директорининг давлолаш ишлари бўлими ўринбосари

"Содик хизматлари учун" медаллари билан

Абдуллаев Анавар Абдурахманович - Хоразм вилояти Фавкулда вазиятлар бошқармаси радиацион, кимёвий ва тиббий – биологик муҳофазани ташкил этиш бўлими бошлиғи

Абдуллаев Одилжон Аҳмадович - Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонаси 7-бўлим шифокори

Азадян Георгий Дживанширович - Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

Акрамов Одил Рустамович - Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими фельдшер, Бухоро вилояти

Алламуродов Ғайрат - Қашқадарё вилояти Камаш тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшер

Ахмедов Хасанбой Арабович - Андижон тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Ахмедова Нилуфар Адилжоновна - Наманган вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази вирусолог шифокори

Аширматов Исомитдин Юлдашович - Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Жиззах вилояти

Базарова Шахсанам Камилджановна - Хоразм вилояти эндокринология диспансерининг биокимёв лабораторияси лаборанти

Бобоев Тўра Жўраевич - Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонаси тиббий фельдшер

Долимов Тохирбек Кенжабек ўғли - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси бўлим mudiri

Зайтов Искандер Равилевич - Республика вирусология илмий текшириш институти лабораторияси вирусолог шифокори

Зокирова Халлодахон Абдуваҳитовна - Янгибод тумани санитария-эпидемиологик осойишталик маркази эпидемиологик мониторинг ва профилактика тадбирларни ташкил этиш бўлими лаборанти, Тошкент шаҳри

Зийнешов Ринатдин Қутлимуратович - Қорақалпоғистон Республикаси Фавкулда вазиятлар бошқармаси Нукус шаҳар бўлими инструктор-қутқарувчиси

Ибрагимов Нематжон Ко-

милжоневич - Тошкент тиббиёт академиясининг анестезиология ва реаниматология кафедраси mudiri

Ибрагимов Туракул Хакбердиевич - Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси автохўжалиғи ҳайдовчиси

Имамназарова Машкура Егамназаровна - Ўзбекистон Республикаси Мудофаз вазирилик санитария-эпидемиология назорати маркази бактериология бўлими бошлиғи

Имамов Отабек Суннатович - Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори

Иргашева Зейнобис Дилмуратовна - Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси

Иргашов Акрам Акбарович - Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг ўпка сили диагностика бўлими mudiri

Исламов Алишер Садритдинович - Тошкент шаҳри "Akfa medline" хусусий клиникаси етакчи мутахассиси

Каримов Феруз Фарҳадович - Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой карантин зонаси давлат корхонаси директори, Тошкент вилояти

Касимов Жалолдин Садретдинович - Наманган вилояти юқумли касалликлар шифохонаси анестезиолог-реаниматологи

Кузиев Бахтиёр Рахимович - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси катта шифокори

Кулжанова Малика Мирхосиловна - Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг чақалоқлар патологияси бўлими катта ҳамшираси

Маматхакимов Тажмурот Хайитович - Шўрчи тумани юқумли касалликлар шифохонаси инфекционист шифокори, Сурхондарё вилояти

Махмудова Насибна Ишмуратовна - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бўлим бошлиғи

Мирзалиев Миртемир Ниязович - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси электриги

Насретдинов Умид - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори ўринбосари

Палуаниязов Муратбай Кудайбергенович - Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Махсус ва тиббий ёрдам автокорхонаси ҳайдовчиси

Панкратова Наталья Александровна - М.Федорович номидаги клиник санитариясининг диагностика лабораторияси катта ҳамшираси

Пардаева Дилфуза Ачиловна - Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси жонлантириш бўлими кичик тиббий ходими

Расулов Баҳодир Қаҳармонович - Республика шовилч тиббий ёрдам илмий марказининг Учтепа тумани тез тиббий ёрдам 4-бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳри

(Давоми 3-бетда).

МАШАКҚАТЛИ МЕХНАТЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Раҳманов Хусниддин Шарипович - Чилонзор тиббиёт коллежи директори, Тошкент шаҳри

Таджиев Ботир Мирхасинович - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти директори

Файзуллаев Хайрулло Норкулович - Вирусология илмий текшириш институти клиникаси жонлантириш бўлими мудири
Халиқова Розия Джабаровна - Сурхондарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси
Харитонов Алексей Сергеевич - 1-Марказий консультатив-диагностик поликлиникасининг тез тиббий ёрдам бўлими мудири

Цай Светлана Афанасиевна - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги шифокори

Шеров Баходир Нарзикулович - Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими бошлиғи

Ширинбаев Нарзулла Шукурбоевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали катта ординатори

Эшназаров Султон Эрматович - Тиббиёт бош бошқармасининг санитария-эпидемиология назорати бошқармаси бактериология лабораторияси мудири

"Соғлом турмуш" медали билан

Ахмедова Шахноза Хайруллаевна - Республика вирусология илмий текшириш институти шифокор-лаборанти

Бобожанова Дилдора Исмоиловна - Асака тумани санитария-эпидемиология осойишталик марказининг бактериология лабораторияси лаборанти, Андижон вилояти

Гулямова Мохира Равшановна - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси ҳамшираси

Жамолов Мехриддин Муйдинович - Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматолог

Жўраев Бахтиёр Чориевич - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери

Ибрагимов Гофиржон Зокирович - Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекциялист шифокори

Ибрагимов Турсуной Вахобовна - Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими ҳамшираси, Фарғона вилояти

Икрамова Ёқут Салохитдиновна - Наманган вилояти юқумли касалликлар шифохонаси кичик тиббиёт ходими

Имомназарова Дамалия Турсунбаевна - Ангрэн шаҳар тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими кичик тиббий ходими, Тошкент вилояти

Исмоилов Умед Юсупович - Вирусология илмий текшириш институти амбулатор поликлиника, диагностика - Гепатология маркази инфекциялист шифокори

Исмоилов Шухрат Мирзо-равшанович - Китоб тумани тиббиёт бирлашмасининг юқум-

ли касалликлар шифохонаси инфекциялист шифокори, Қашқадарё вилояти

Итолмасова Гулжон Муродиллаевна - Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими кичик тиббий ходими

Курбанова Бернара Гафуровна - Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг рентгенология бўлими шифокори

Кутубаева Гулфия Менлибаевна - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалининг реанимация бўлими шифокори

Лукманова Гулчира Киличевна - Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси реаниматолог

Мадаминов Алишер Хакимбоевич - Қорақалпоғистон Республикаси болалар юқумли касалликлар шифохонаси шифокори

Мамажусупова Мамлакат Арзкуловична - Жиззах вилояти санитария-эпидемиология осойишталик маркази вирусология лабораторияси кичик тиббий ходими

Мамутова Абадан Искендеровна - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори

Маткаримов Маткарим Рўзимбаевич - Тошкент шаҳар 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонаси реанимация ва анестезиология бўлими реаниматолог-анестезиолог

Матназарова Мухаббат Каримовна - Янгиғарик тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими ҳамшираси, Хоразм вилояти

Мирзаева Дилшода Закировна - Жалақудуқ тумани санитария-эпидемиология осойишталик маркази дезинструктори, Андижон вилояти

Мирзакулова Холида Хидиразаровна - Сирдарё вилояти санитария-эпидемиология осойишталик марказининг вирусология лабораторияси шифокор вирусолог

Мустақимовна Мохира Рахматбоевна - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси кичик тиббий ходими

Назарова Раъно Рашидовна - Қарши шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси юқумли касалликлар шифокори, Қашқадарё вилояти

Нарзиева Сарат Истамовна - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалининг шовилчин хирургия бўлими кичик тиббий ходими

Патхуллаева Мукаддас Тулановна - Бектемир тумани санитария-эпидемиология осойишталик марказининг бактериология лабораторияси лаборанти, Тошкент шаҳри

Раимжонова Гулнора - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси катта ҳамшираси

Сайдуллаева Дилафруз Сирожидиновна - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали бош ҳамшираси

Сапарова Мухаббат Ердашева - Тошкент вилояти ОИТС га қарши курашиш маркази эпидемиолог шифокори

Солижоновна Мохира Гофуржоновна - Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг вирусли гепатитлар бўлими кичик тиббий ходими

Тошболтаева Бозоргул Юсуповна - Сурхондарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг биокими лабораторияси бўлими бошлиғи

Тураджанова Хулқар Адилджановна - Наманган вилояти санитария-эпидемиология осойишталик маркази лаборанти

Умарова Малохат Джураевна - Қиррай туманидаги 24-қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳамшираси, Тошкент вилояти

Хакимова Умида Рихсибаевна - Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси 1-бўлими ҳамшираси

Хамраева Марина Николаевна - Сергели тумани тиббиёт бирлашмаси рентгенолог-шифокори, Тошкент шаҳри

Холиков Каюм Собирович - Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекциялист-реаниматолог

Холмуратов Эркинжон Суғандиқович - Жиззах вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияси лаборанти

Чоршаева Тамара Ачилловна - Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг анестезиология-реанимация ва интенсив терапия бўлими ҳамшираси

Эсанова Зарифа Эшмамаевна - Республика ихтисослашган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиали онколог шифокори, Навоий вилояти

Эшчанов Икром Душамович - Шовот тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими шифокори, Хоразм вилояти

Юсупов Тангириберганд Жаббарович - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали нейрореанимация бўлими шифокори

"Шухрат" медали билан

Абдуқаронова Насиба Дурриабдуевна - Бўка тумани 8-қишлоқ оилавий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Тошкент вилояти

Абраева Нилуфар Умаровна - Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими санитария-эпидемиология назорат маркази катта шифокор-эпидемиолог

Ахрорий Манучеър Абдумухаммадзода - Сўх тумани санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокори, Фарғона вилояти

Гареев Рамил Фаридович - Республика вирусология илмий текшириш институти референс лабораторияси шифокор-лаборанти

Гафурова Дурдона Илмोजановна - Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси

Гулбоев Рўзимат Махмадали ўгли - Ангрэн шаҳар 4-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Тошкент вилояти

Джаббаровна Дурдона Сарабековна - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори

Джанаев Файрат Юсупович - Тошкент тиббиёт академияси фармакология кафедраси ассистенти

Қодирова Гавҳархон Обидовна - Наманган вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бактериология лабораторияси кичик тиббий ходими

Майлиева Ироҳдон Шоназаровна - Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг жонлантириш бўлими лаборанти

Маткаримова Хилола Жўрабоевна - Наманган вилояти санитария-эпидемиология осойишталик маркази шифокор-бактериолог

Матякубова Гулнара Жаббарбергеновна - Қорақалпоғистон Республикаси болалар юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси

Нурмонова Раҳима Абдуғаниевна - Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонаси хона бекаси

Омонов Соҳиб Кахрамонович - Бухоро вилояти ОИТСга қарши кураш маркази лабораторияси шифокор-лаборанти

Панжиева Маърифат Мамажарабовна - Деҳқонobod тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими ҳамшираси, Қашқадарё вилояти

Пўлатов Зокир Пойнович - Учтепа тумани тиббиёт бирлашмасининг тез ёрдам станцияси хайдовчиси, Тошкент шаҳри

Пўлатова Нодира Қодиралиевна - Республика вирусология илмий текшириш институти жонлантириш бўлими шифокори

Раҳматуллаева Умида Бахтияровна - Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасининг шовилчин тез тиббий ёрдам бўлими кичик тиббий ходими, Тошкент вилояти

Раҳматуллоев Жасур Мама-солиқович - Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактика бўлими таянч пунклари профилактика катта инспектори

Раҳматов Баҳодир Бахтиёр ўгли - Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекциялист шифокори

Ровшанов Бунёд Уткирович - Тиббиёт бош бошқармаси Санитария-эпидемиология назорати бошқармасининг эпидемиология бўлими мудири

Сайтов Арал Умбетбаевич - Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси кардиолог, Қорақалпоғистон Республикаси

Сидиков Аъзамхон Боймирзаевич - Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси автокорхонасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси

Солижонов Шукрилла Эргашбоевич - Андижон вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори ўринбосари

Тулбаев Эрк Алимжанович - Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ихтисослаштирилган автобазасининг ўрта Чирчиқ тумани тиббий хизмат хайдовчиси

Умаров Фарид Нусиратович - Сурхондарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекциялист шифокори

Усмонова Зухра Абдубаситовна - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги етакчи мутахассиси

Усмонов Ойбек Тўраевич - Қорақул туманидаги "Е.Сафаров"

қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори, Бухоро вилояти

Хабидуллаев Санжар Муродилла ўгли - Наманган вилояти санитария-эпидемиология осойишталик маркази шифокор вирусолог

Хажиев Ойбек Нураддин ўгли - Янгиғарик тумани тиббиёт бирлашмаси тез ёрдам бўлими хайдовчиси, Хоразм вилояти

Хакимова Ўғилой Махаматшокировна - Избоскан тумани санитария-эпидемиология осойишталик марказининг бактериология лабораторияси лаборанти, Андижон вилояти

Ҳожимуродов Давлат Истамович - Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси автоҳўжалиги хайдовчиси

Холматов Маълуд Обидовна - Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси

Хосилова Мукаддас Қобиловна - Заңгиота тумани тиббиёт бирлашмасининг "Назарбек" юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси, Тошкент вилояти

Ҳўжакулова Мукаддас Хўшиевна - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги бўлим мудири

Хўжаҳмедов Жамолiddин Джалолович - Тошкент шаҳри "Генотехнология" масъулияти чекланган жамияти директори

Хамроев Фаррух Равшан ўгли - Республика ОИТС га қарши кураш марказининг эпидемиологик мониторинг бўлими шифокор эпидемиолог

Чориева Ўғилшод Хўжаёр кизи - Сурхондарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг ҳаво-томчи бўлими ҳамшираси

Чоршанбиев Холикберди Панжиевич - Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг махсус ва тез тиббий ёрдам автокорхонаси хайдовчиси

Шафайзиев Равшан Шамансурович - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси анестезиология ва реанимация кўма бригада фельдшери

Шектибаева Динара Темиргановна - Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси хўжалик бекаси, Навоий вилояти

Эргашева Севара Тулкинжоновна - Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси

Юлдашев Давлатбек Абдулхўшим ўгли - Республика шовилчин тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси катта шифокори

Юсупов Кабир Хусанович - Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг шовилчин тиббий ёрдам бўлими шифокори, Тошкент вилояти

Шифокорларга амалий ёрдам

КОРОНАРОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ВА
ЮРАК ҚОН-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ

Ҳозирги кунда коронавирус касаллиги – COVID-19 нинг патогенези ва даволаш масалалари замонавий тиббиётнинг олдда турган долзарб муаммо ҳисобланади. Коронавируслар (Coronaviridae) – РНК сақловчи вирусларнинг катта оиласи бўлиб, ҳам одамларни ҳам ҳайвонларни зарарлаши мумкин.

Серологик ва филогенетик таҳлилларнинг натижасига кўра, коронавируслар тўрт авлодга бўлинади: Alphacoronavirus, Betacoronavirus, Gammatocoronavirus ва Deltacoronavirus. Коронавируслар одамда бир қатор касалликларни: ўткир респиратор инфекциянинг энгил туридан то оғир ўткир респиратор синдромгача (ОУРС ёки SARS) чақириши мумкин.

Ҳозирги кунда аҳоли орасида тўртта коронавируси (HCoV-229E, HCoV-OC43, HCoV-NL63 ва HCoV-NKU1) циркуляцияси аниқланган ва улар одатда юрак-қон томир касалликларини учраши шикастлашди. Ҳозирги пандемияни чақирган SARS-CoV-2 бир занжирли РНК тутувчи вирус бўлиб, Coronaviridae оиласига ва Betacoronavirus авлодига мансуб. SARS-CoV-2 вируси юқори патогенликка эга. SARS-CoV-2 нинг табиий резервуари кўршаналаклардир. Касалликнинг асосий манбаи бўлиб бемор одам ҳисобланади. Асосий юқиш йўллари ҳаво-томчи вақонтакт-маиший йўл ҳисобланади. Кўзгатувчининг кириш дарвозаси юқори нафас йўллари, ошқозон ва ичакларнинг эпителийсидир. Касалликнинг инкубацион даври ўртача 5–7 кун (2 кундан 14 кунгача).

COVID-19 учун ўткир респиратор вирусли инфекциянинг клиник белгилари хос:

- тана ҳароратини кўтарилиши (> 90%);
- йўтал (қуруқ ёки бир оз балғам билан) 80% ҳолларда;
- хансираш (30%);
- тез чарчаш (40%);
- кўкрак қафасидаги босиш ҳисси (> 20%).

Бундан ташқари, томоқда оғрик, тумов, таъм ва ҳид билишни пасайиши, конъюнктивит белгилари ҳам кузатилиши мумкин. Касалликнинг бошланғич белгилари орасида миалгия (11%), ҳушни йўқотиш (9%), бош оғриги (8%), қон туфлаш (2-3%), диарея (3%), кўнгил айнаши, қусиш, юрак уриб кетиши кузатилиши мумкин. Касаллик кечиши бўйича энгил, ўртача оғирликда, оғир ва жуда оғир турлари фарқланади.

COVID-19 билан оғриган беморларни кўп қисмида юрак-қон томир касалликларини хавф омиллари ва аниқланган юрак-қон томир касалликлари бўлиб уларда касалликни оғир кечиши кузатилади. Бундан ташқари COVID-19ни клиник кўринишида асосан респиратор симптомлар кузатилади, бу беморларда юрак-қон томир асоратлари ҳам ривожланиши мумкин ва бу ҳолатлар хатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Хитойлик 3403 нафар COVID-19га чалинган беморни ўз ичига олган 10 та текширишни мета-таҳлилда кўрсатилишича юрак-қон томир касалликларини учраши 12,11%, чекиш – 7,63%, артериал гипертензия (АГ) – 16,37% ва қандли диабет (ҚД) 7,87%ни ташкил қил-

ган. Хитойнинг уч клиникасидаги COVID-19ли 476 нафар беморларни текшириш шуни кўрсатдики, касалликнинг оғир ёки критик кечиши кузатишган беморларда юрак-қон томир касалликларини учраши касалликнинг энгил ёки ўртача оғир клиник кечиши бўлган беморларга қараганда кўпроқ учраган. COVID-19ли 1527 нафар беморларни мета-таҳлили натижасида интенсив даволаш бўлимидаги беморларда юрак-қон томир касалликлари (3 марта), АГ (2 марта) ва ҚД (2 марта) бошқа беморларга қараганда кўпроқ учраши аниқланди.

Юрак-қон томир касалликлари бўлган COVID-19ли беморларда ўлим даражаси анча юқори. Хитойда (n=72314) COVID-19ли беморларда ўртача ўлим ҳолати 2,4%ни ташкил қилган бўлса, АГ бўлганда ўлим 6%ни, ҚД – 7,3%, ЮКТК – 10,5% ни ташкил этди. Италиялик COVID-19 дан вафот этган беморларда энг кўп учрайдиган касалликлар сифатида АГ (73,8%), ҚД (33,9%), юрак ишемик касаллиги (30,1%), бўлмачалар фибрилляцияси (22%), онкологик касалликлар (19,5%) ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (13,7%) кузатишган. Шу регистрнинг натижаларига кўра вафот этган беморларнинг кўпчилигида (48,6%) коморбид касалликлари бўлган, 2 та ёндош касалликлар - 26,6% беморда, 1 та касаллик 23,5% беморда ёндош касалликлар бўлмаган.

Ҳозирги кунда COVID-19ни кечишини оғирлаштирувчи ва ўлим хавфини оширувчи касалликлар бўлиб ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (5,7 марта), ҚД ва АГ (1,6 марта), онкологик касалликлар (3,5 марта) ва сурункали буйрак касаллиги (3 марта) ҳисобланади. Хитой, Европа мамлакатлари ва АКШда ўтказилган бир қатор текширишлар натижасида юрак-қон томир касалликлари, артериал гипертензия ва қандли диабетни катта ёш, эркак жинси, нафас йўллари сурункали касалликлари ва саратон билан бир қаторда COVID-19 учун энг муҳим салбий прогностик омилларидан бири деб топилди.

COVID-19 сурункали юрак-қон томир касалликларини кечишини оғирлаштирибгина қолмай, балки юракни ўткир шикастланишига ҳам олиб келади. Хитойда ўтказилган кузатувларга натижасига кўра миокарднинг ўткир шикастланиши 7,2%, юрак ритмининг бузилишлари 16,7% ҳолларда кузатилади.

COVID-19да юракни шикастланишидаги асосий механизмлар сифатида куйдагиларни келтириш мумкин:

- Локал ва тизимли яллиғланишни кучайиши ҳамда гиперкоагуляция атеросклеротик плакачаларни ёрилиш хавфини оширади ва бу ўткир миокард инфаркти ривожланишига сабаб бўлиши мумкин;

- Симпатик нерв тизимини фаоллаштириш кислородга бўлган талабни оширади ва бу миокард ишемиясини ривожланишига имкон яратади;

- ўткир респиратор дистресс-синдром оғир гипоксия, миокардга кислород келишини камайиши ва юрак ритмини бузилишларига сабаб бўлади;


- Кардиомиоцитларни бевосита шикастланиши ва уларга яллиғланиш цитокинларининг таъсирида миокардит ва сурункали юрак етишмовчилиги ривожланади;

- Веноз тромбозлар ва ўпка артериясини тромбозболияси кузатилади.

SARS-CoV-2 вируси ўпка эпителийсини ҳужайраларнинг мембранасида жойлашган 2-турдаги ангиотензинни айланттирувчи фермент (ААФ2) билан боғланиб ҳужайра ичига қиради. Вирусни ҳужайра ичига кириши учун фақатгина ААФ2 эмас, балки яна II мембрана турдаги серинли протеаза ҳам керак (ингл. – transmembrane protease, serine 2 – TMPRSS2). Бундан ташқари барча ААФ2 ҳужайра мембранасида жойлашмаган ва вирус эркин ААФ2-га бирикishi мумкин. Шу сабабли юрак-қон томир касалликларини даволашда қўлланладиган ААФ ингибиторлари ва ангиотензин II рецепторларининг блокаторлари (АРБ) ААФ2 ни экспрессиясини ошириши мумкин ва бу вирусни ҳужайра ичига кириши учун қулайлик яратади деган ҳавотирли фикр пайдо бўлди. Бу ҳолат бутун дунё олимлари орасида катта баҳс мунозарага сабаб бўлди.

Маълумки, тўқималардаги ва қонда айланб юрвучи ренин-ангиотензин-альдостерон тизими (РААТ) қон босимини дошқаришда қатнашувчи пептидларнинг мураккаб мажмуасидир. ААФ2 ангиотензин-IIIни ангиотензин-1-7гача парчаловчи фермент бўлиб, ангиотензин-IIIнинг вазоконстрикция, натрийни ушлаб қолиш хусусиятига фиброз таъсирини камайтиради. ААФ2 юрак, буйрак ҳамда альвеоляр эпителий ҳужайраларида жойлашган. Ҳайвонларда ўтказилган айрим экспериментал тадқиқотлар ААФ ингибиторлари ва АРБларини қўллаш ААФ2ни экспрессиясини ошириши кўрсатди.

COVID-19 билан касалланган 417 нафар беморни (улардан 42 нафариди АГ



бўлган) текшириш натижаларини ретроспектив таҳлилга кўра ААФ ингибиторлари ёки АРБни ичган беморлар (17 нафар, 40%) гуруҳида касалликни оғир кечиши (23,5% vs 48%) ва ўлим (0 vs 2%) ААФ ингибиторлари ёки АРБ ичмаган беморлар гуруҳига қараганда камроқ учради. Хитойда 1178 нафар COVID-19ли беморларни даволаш натижаларини таҳлил қилинганда уларнинг 362 нафариди АГ аниқланди ва 115 нафари РААТ блокаторларини қабул қилган (31,8%). АГли беморлар орасида ўлим кўрсаткичи юқори бўлиб 21,3%ни ташкил қилди. Бунда РААТ блокаторларини ичган беморларни сони касаллик оғир ёки энгил кечган (32,9% vs 30,7%; P=0,65) ҳамда ўлган ва тирик қолган (27,3% vs 33,0%; P=0,34) беморлар орасида фарқ қилмади. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган маълумотлар РААТ блокаторларини COVID-19 асоратларини ривожланишидаги роли тўғрисида бир тўхтамга келишга имкон бермайди. Шу билан бирга РААТ блокаторлари АГ, сурункали юрак етишмовчилиги, ЮИК, ҚД бор беморлар учун ҳаётий муҳим препаратлар ҳисобланади ва уларни прогностини белгилайди. Бугунги кунда Европа кардиологлари жамияти, Америка юрак ассоциацияси ва Россия кардиологлари жамиятлари экспертлари ААФ ингибиторлари ва АРБлари билан даволашни давом эттириш муҳимлигини таъкидлаб ўтишти.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда ҳамда ААФ ингибиторлари ва АРБларини юрак-қон томир касалликларини исботланган даражада асоратларни ва ўлимни камайтиришини ҳисобга олиб, COVID-19 бор йўқлигидан қатъий назар сурункали юрак етишмовчилиги, АГ, ЮИК, миокард инфарктида бу препаратлар билан даволашни давом эттириш лозим. COVID-19ли беморларда РААТ блокаторларини тўхтатиш мумкин эмас, чунки буюрак-қон томир асоратларидан бўладиган ўлим хавфини ошириши мумкин.

Равшан ҚУРБАНОВ,

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, Ўзбекистон фанлар академияси академиги, Нигора СРОЖИДДИНОВА,

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, катта илмий ходим, тиббиёт фанлари доктори.

МАҚСАД: ЯГОНА КУЧ БЎЛИШИМИЗ ЗАРУР



– Коронавирус пандемияси тиббиёт соҳасининг қанчалик нозиклиги, фидойилик талаб этадиган касб эканлигини яққол кўрсатиб қўйди. Лекин ҳар бир эзгуликка раҳна солувчи иллат бўлганидек, коррупциянинг тиббиёт соҳасига, тиббий таълим соҳасига аралашishi энг ачинарли ҳолдир.

Бугун биз коррупцияга йўл қўймай, ўз йўлини мустақил танлаб оладиган, касбига ҳурмат билан муносабатда бўладиган кадрларни тайёрлаш ҳар биримизнинг асосий вазифамизга айланмоғи керак. Бу йўлда барчамиз – профессор-ўқитувчилар, талабалар, ота-оналар, талаба бўлиш орзуси билан ёниб яшаётган абитуриентлар биргаликда ҳаракат

қилишимиз, ягона куч бўлишимиз зарур.

Шифокор сифатида шуни қўшимча қилмоқчиманки, пандемияга қарши кураш масалаларида узвийликни таъминлаш мақсада мувофиқдир. Эътироф этиш лозимки, ҳозирда институтимизнинг 162 нафар кўнгилли ходимлари, меҳнат таътилида бўлишига қарамай, Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида карантин қоидаларига амал қилишни устидан назорат ва коронавирус тарқалишини олдини олиш

тарғиботи бўйича фаолият олиб бормоқдалар. Шунингдек, улар аҳоли орасида тарғибот ишларини қучайтирган ҳолда кўзга кўринмас тождор вирусни бартраф этиш масалаларига катта эътибор қаратмоқдалар. Таъкидлашим лозимки, ушбу касалликни олдини олишда нафақат тиббиёт ходимлари, балки ҳар бир фуқаро, қолаверса барча соҳа вакиллари масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли ота-оналар, фарзандларимизни тарбиялаш ва уларга билим беришда ҳар доим тўри йўл тутайлик. Уларга ўз кучи, билими билан илм олишларига имконият яратиб берайлик, мурғак қалбига таъмағирлик иллатини оғу каби жойлаштиришга йўл қўймайлик.

Мадамин МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ректори.

ЮКСАК ТАФАККУР, ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ, САБР-ТОҚАТ ВА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ КОРОНАВИРУСНИ ЕНГИШДА АСОСИЙ ҚУРОЛИМИЗДИР



Бутун дунёга кенг ёйилган коронавирус инфекцияси мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бутун ушбу офатдан зарарланган беморлар сони муттасил ошаётгани ҳам сир эмас. Коронавирус ҳаво томчи йўли орқали юқадиган касаллик. Бундай касалликларнинг олдини олишда энг самарали йўл, карантин тадбирларидир. Шу боис мамлакатимизда касаллик қайд этилган дастлабки кунлардан бошлаб қатъий карантин талаблари жорий қилинди. Аини пайтда карантин муддати 15 августга узайтирилган боиси бу касаллик аҳоли орасида кескин тарқалиб кетишининг олдини олишдир.

Хўш, инсоният бу балодан қачон қутулади? Хусусан, уни бартараф этиш борасида юртимизда ҳозирги кунда қандай чора-тадбирлар кўрилмакда? "Тождор" вирусдан касалланганларни даволашда қўлланилаётган стратегия қанчалик самарали бўляпти?

Тошкент тиббий академияси ректори, профессор Лазиз ТҮЙЧИЕВ билан суҳбатимиз шу каби масалалар атрофида кечди.

— Аввало, яқинда Президентимиз Фармонига мувофиқ, "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланганингиз билан табриқлаймиз.

— Раҳмат. Бу юксак мукофот, ўйлайманки, менинг тимсолимда бугунги кунда кўринмас "ёв"га қарши жасорат билан туну кун кураш олиб бораётган шифокорлар меҳнатига эътибор ва ғамхўрлик ифодаси бўлди. Дарҳақиқат, одамга куч бағишлайдиган энг катта восита, бу — эътибор. Эътибор натижасида жамият равақ топади, одамлар кўнглида янги орзу-умидлар пайдо бўлади. Эътиборли бўлган инсон ҳаётга, ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга бефарқ қарамайди. У одамларнинг ташвиши, дардига шерик бўлади, улар учун қуюнади. Кейинги йилларда мамлакатимизда тиббий ходимларига нисбатан жуда катта ижобий ёндашув шаклланиб бормоқда. Жумладан, бу пандемия шароитида кўзга яққол ташланди. Иқтисодиёт ҳам, ижтимоий ҳаёт ҳам мураккаб ҳолатга тушиб қолган аини пайтда давлатимиз раҳбари тиббий ходимларини моддий рағбатлантиришни янада кучайтириши, уларни давлат мукофотлари билан тақдирлашга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бу бизга жуда катта куч беради.

Тушуниб турибмиз: бу — ишонч. Демак, биз шу ишончга муносиб бўлмоғимиз, ишимизни шунга қараб ташкил этмоғимиз даркор. Чунки, биз жуда оғир, мураккаб шароитда қадам босаямиш. Бу жараён қачон тугашини ҳам билмаймиш. Шундай шароитда меҳнатимиз қадрлаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизни нафақат руҳлантиради, балки юртимизга хизмат қилишда ғайрат-шижоатимизни янада оширади.

— Энди бевосита мавзу юзасида савол-жавобларга ўтаск.

— Марҳамат.
— Июль ойининг бошидан юртимизда коронавирус билан касалланиш ҳолатлари нисбатан ортди. Давлатимиз раҳбари шу йил 15 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ушбу инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш ва беморларни даволашда янги тизим йўлга қўйилиши бўйича топширик берди. Ушбу тизимнинг ўзига хослиги нимада? Шу ҳақда фикрингизни билмоқчи эдик.

— Мамлакатимизга бу вирус

кириб келган кундан бошлаб махсус чоралар кўриб келинмоқда. Хусусан, Республика махсус комиссияси тузилди, тиббийет муассасалари факултода иш режимига ўтказилди, қисқа муддатда махсус шифохона ва карантин зоналари қурилди, сихатгоҳ ҳамда оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди, тиббийет масканлари доридармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Қатъий карантин ўрнатилгани боис касалланиш ҳамда ундан ўлим ҳолатлари дастлабки ойларда кам юз берди. Тан олиш керак, бундан бир оз хотиржамликка берилганимиз ҳам рост. Асосан, июль ойидан бошлаб касалланиш кўрсаткичлари кескин кўтарилди. Шу боис, Президентимиз инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш ва беморларни даволашда янги тизимни йўлга қўйиш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Бинобарин, пандемия жараёни ўзгарди. Вирус нафақат касаллик ўчоғида бўлган фуқаролар ҳамда беморлар билан мулоқотга киришган инсонлар ўртасида, балки аҳоли орасида ҳам кенг тарқалмоқда. Шу сабаб 10 июлдан 1 августга қатъий карантин тиклангани ва ҳозирги кунда 15 августга узайтирилганини кўриб турибмиш.

Даволаш принципларидаги ўзгаришларга келадиган бўлсак, касаллик тасдиқланган, аммо аломатсиз ёки энгил шакли кечаётган беморларни уйда даволаш ҳамда клиник белгилари ва даражаларига қараб стационарда даволаш мақсада мувофиқ деб топилди. Стационар ҳамда амбулатор шароитда даволаш протоколлари ҳозирги кунда ҳам тубдан кўриб чиқилмоқда. Яқин кунларда бу борада янги механизмлар амалиётга жорий этилади.

— Касаллиги белгисиз кечаётган ёки аҳоли оғир бўлмаган беморлар уйда даволалинишига ўтказилгани қанчалик самара бермоқда? Умуман олганда, айтинг-чи, бемор қандай ҳолатларда шифохонага ётиши шарт?

— Белгисиз дегани клиник аломатлари йўқ, дегани. Бунда бемор касаллиқни ўзида умуман ҳис қилмаслиги ҳам мумкин.

Хўш, касаллиқнинг энгил кўри-нишлари қандай кечади?

Шу нарса аниқ билишимиз керакки, бунда ҳам иситма чиқishi, йўтал, ҳолсизлик, қаттиқ терлаш, бош оғриги, интоксикация ҳолатлари кузатилиши мумкин. Бундай беморлар уйда давола-нати. Уйда даволалини режалаш-

тирилган беморларга поликлиника томонидан мобил бригада юборилади. Умумий амалиёт шифокори, инфекцияши ва эпидемиологдан иборат ушбу бригада беморга назорат режасини тузади, тегишли дориларни беради, оила аъзоларига кун тартиби ҳамда санитар-гигиеник талабларни тушунтиради. Беморлар билрамчи бўгин, яъни амбулатор-поликлиника муассасалари томонидан назоратга олинди ва зарур дорилар билан бепул таъминланади. Поликлиника шифокори беморнинг ҳолатига кўра, 1 кунда бир марта ёки 2 кунда бир марта кўрички амалга оширади. Бошқа пайт умумий амалиёт шифокори ҳар кун икки-уч марта телефон орқали боғланади. Бироқ бемор ўзида касаллиқнинг кечишига ўта диққатли бўлиши шарт. Агар нафас тезлиги дақиқасига 30 марта ва ундан кўп бўлса, энгил ҳаракатларда ҳансираш, ҳолсизлик, йўтал тобора кучайса, тана ҳарорати 3-4 кун муттасил банд бўлса, тезда шифокорга хабар бериши зарур. Бунда белгиланган тартибда махсус бригада ёрдамида бемор стационар даволинишига юборилади.

— Қатъий карантин талаблари қайта жорий этилганига ҳам мана 20 кундан ошиб кетди. Аммо, афсуски, инфекцияга чалинганлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Касалланиш "занжир"ни узиш учун яна қандай чора-тадбирлар кўрилиши керак?

— Махсус комиссия томонидан карантин даврида кишилар нима қилиши ва нима қилмаслиги кераклиги белгилан берилди. Афсуски, ҳаммамиз шу нарсанинг гувоҳи бўлиб турибмиш: аҳолининг карантин талаблари ҳақидаги тушунчалари ҳали ҳам саёз. Ёки одамлар бефарқликка шу қадар ўрганиб қолган. Масалан, эрталабки соат 7.00 дан - 10.00 гача йўлларда автомобиллар ҳаракатига рўхсат берилган. Лекин кўряпмизки, соат 10.00 дан кейин ҳам кўча тўла машина, қаёққадир шошаётган ёки худди сайрга чиққандек бамайлихотир одимлаётган одамлар... Тўғри, ҳар биримизнинг ўзимизга яраша бирор мақсадимиз, режалаштирган ишларимиз ёки ташвишимиз бор. Лекин карантин эълон қилинмиши, унга амал қилишимиз ҳам шарт-да! Касалланиш "занжир"ни узиш учун яна қандай чора-тадбирлар кўрилиши кераклиги ҳақида фикр ўритадиган бўлсак, бир мутахассис сифатида айтишим мумкинки, карантин чин маънода карантинга айланишига эришишимиз лозим. Мутасаддилар

масъулият ва талабни янада ошириши тарафдориман. Мана, шанба ҳамда яшанба кунлари 24 соат давомида автомобиллар ҳаракати чекланиб, аҳолига уйда қолиш тавсия этилди. Ушбу талаб ҳамда давомида ҳам амал қилганида ҳозирда касалланиш кўрсаткичлари бугунги кундан анча паст бўларди, деб ўйлайман. Шунингдек, соғлигимиз ўз қўлимизда эканини теран англашнинг фурсати аллақонан етган. Чунончи, инфекцияга чалиниш ҳолатларининг ортишига сабаб ўзаро мулоқотларнинг кўплигидир. Ҳар бир одам ўзининг бошқалар билан мулоқотини камайтирса, ижтимоий масофа сақласса, касаллик тарқалиши шунчалик камаяди.

— Беморлар уйда даволаш бошлагач, аҳоли орасида, айнисига, ижтимоий тармоқларда қўлланилаётган дори воситаларининг самарали ёки самарасизлиги ҳақида турли гап-сўзлар, тавсиялар "урчиди". Сиз мутахассис сифатида айна кўриши дори воситаларини қабул қилиш фойдали ёки аксинча, айна қайси дориларни ичиш зарар эканлигига ойдинлик кирита оласизми?

— Дарҳақиқат, аҳоли орасида, турли ижтимоий тармоқларда "маслаҳатчилар" кўпайиб қолди. Тўғри, уларнинг орасида малакали, тажрибали, билимли тиббий ходимлари ҳам бор. Бироқ, афсуски, ўзибилармонлар ёки сохта обрў қозониш ниятида ҳар хил маълумотларни тарқатаётганлар ҳам оз эмас. Хатто аҳолига нафақат ижтимоий тармоқларда, балки радио ва телевидение орқали бугунги мураккаб вазиятни тўла тушунамасдан, касаллиқнинг патогенезини билмасдан турли тавсиялар бераётган инсонлар ҳам учирайпти. Мутахассис сифатида айтишим мумкинки, коронавирус, бу — ўткир респиратор инфекция. У оқумли касалликларнинг катта бир гуруҳига қиради. Бу гуруҳни даволашнинг ўзига хос классик принциплари бор.

Бунда, биринчи навбатда, беморни алоҳидадаш, изоляция қилиш, оила аъзолари ва бошқалар билан мулоқотини чеклаш шарт.

Иккинчидан, бемор уйда кўп суоқлик ичиши зарур. Чунки, касаллик чақирган интоксикация айна ўзимиз кўп суоқлик ичиб, энгилсимиз мумкин.

Учинчидан, тўлиқ миқдорда тўғри овқатланиш. Бемор кунига 4-5 маҳал таомланиши зарур. Турли кўкатлар, мева-сабзавотлар, қайнатиб ёки димлаб пиширилган овқатлар тановул қилиши, аксинча, қовурилган, хамирли, шунингдек, турли "фастфуд" таомларни истеъмол қилмаслиги мақсада мувофиқ.

Тўртинчидан, бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Инфекцияга чалинган инсондан энгил жисмоний машқларни бажариш, тозалик ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Беинчидан, у дори воситаларидан тўғри фойдаланиши шарт. Яъни касаллиқнинг бирор-бир клиник белгиси намоен бўлганда ёрдам берувчи ва уни бартараф этувчи дори воситаларидан самарали фойдаланиш зарур. Мисол тариқасида айтаск, иситма

38 даражадан банд бўлганда "Парацетамол" ёки "Аспирин" дори воситасини истеъмол қилиши мумкин.

Уйда даволанаётган беморларга тарқатилётган дорилардан бири — "Азитромицин" бўлиб, у макролидлар гуруҳига қиради. Макролидлар эса антибактериал восита сифатида нисбатан кучли дори ҳисобланади. Бироқ "Азитромицин" ўзи вирусга қарши ишламайди, бу дори воситаси вирус натижасида шамоллаш аломатлари келиб чиқадиган бўлса ва шифокор дорини қабул қилиш вақти етган, деб ҳисобласа, беморга тавсия этилади. Бундан ташқари, уйда даволанаётган беморларга кукун шаклидаги С витамини, яъни аскорбин кислотаси ҳам берилади. У тўлпан таркибидан жой олган. Бу витамин организмнинг касалликка қарши орашувчанлигини оширади. Кукунни сув билан аралаштириб, кунига бир неча марта ичиш мумкин. Лекин иммунмодуляторлар, шунингдек, халқ тили билан айтганда, ҳар хил "капелничалар" қабул қилиш нафақат бефойда, балки улар саломатликка жиддий зарар ҳам келтириши мумкин.

Махсус дори воситалари тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар ҳар бир бемор учун турлича тавсия этилиши мумкин. Чунки, организмлар бир хил эмас. Уларнинг орасида ёши бор, кексаси бор, ҳомиладор ёки бирор сурункали касаллик билан оғригани бор. Шунинг учун ҳар бир беморга бирор дори воситасини тавсия этиш уни даволовчи шифокор томонидан амалга оширилади.

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент тиббий академияси томонидан "Coronavirus yordam" telegram боти ишга туширилганидан хабаримиз бор. Ушбу онлайн платформа қанчалик самарали фаолият юритмоқда?

— Бугунги мураккаб шароитда аҳолининг тўғри ахборот билан таъминланиши қўллаб муаммоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг Telegram ботимиз юрдошларимизга ўз вақтида тўғри маълумотлар етказиб бериш мақсадида ташкил этилган. Унга кунига 2-3 минг муурожаат келиб тушапти. Мазкур жараёнга академиянинг 70 га яқин профессор-ўқитувчилари оператор сифатида жалб этилиб, улар 24 соатлик узлуксиз иш режимида аҳолини қизиқтирган саволларга онлайн жавоб бермоқдалар.

Барчамизнинг мақсадимиз бир: тезроқ "тождор" вирусини маҳв этиш, уни инсонлар вужудидан, хонадонлардан, обод шахару қишлоқларимиздан, юртимизнинг ҳар бир гўшасидан, бутун дунёдан қувшиш. Бу курашда галабага эришиш ҳар биримизга боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳаммамиз янада жипслашиб, сабр-матонатли бўлсак, шифокорлар тавсияларига тўлиқ амал қилсак, албатта, бу касалликни тезроқ энгил ўташим.

Бу курашда тиббий чоралар билан бирга, юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият кўрсатишимиз лозим. Бу сифатлар бизнинг энг асосий ҳамда энг таъсирчан қуролимизга айланиши шарт.



Хабарингиз бор, яқинда Президентимизнинг Фармони билан бир гуруҳ мукофотланганлар орасида фарғоналик 7 на-

УНИНГ ҲАР БИР КУНИ ҚАҲРАМОНЛИКДИР

фар тиббиёт ходимлари борлиги, албатта, қувонарли ҳолдир.

Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси Узейнахон Юнусова ҳам II даражали "Саломатлик" ордени билан тақдирланди.

Узейна Юнусова тиббиёт соҳасидаги фаолиятини 1993 йилда мазкур шифохонада бошлаган эди. 27 йиллик тажрибага эга ҳамшира ўтган йиллар давомида меҳнатсеварлиги, жонқуярлиги, меҳрибон ва ширинсўзлиги билан беморлар ҳамда ҳамкасблари

орасида ҳурмат-эътибор қозонди. 2020 йил 22 март кунидан вилоят юқумли касалликлар шифохонасига коронавирус билан касалланган ilk бемор ётқизирилиб, даволаш ишлари бошланган куниданок, Узейна Юнусова биринчилардан бўлиб беморларни парваришга киришди ва 14 кун мобайнида ўз фидоилигини кўрсатди...

Беморларни парваришлаш жараёни дастлаб жуда мураккаб кечди, кунига 12 соатдан ортиқ ишладик, – дейди қаҳрамони миз. – Баян кунлари кечки нав-

батчиликда туриб, мутлақо ухламаган пайтларимиз бўлди. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам беморлардан ширин сўзимизни, меҳризонимизни аямадик. Ҳамжихатликда қилган меҳнатимиз туфайли беморларимизнинг деярли барчаси тезда соғайиб, оилали бағрига қайтди. Коронавирус инфекцияси билан оғирган беморларни даволашда узлуксиз ҳамшира назоратини ўрнатиб, врачлар билан елкама-елка ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатган Узейна Юнусова Президентимиз фармонида асосан давлат мукофоти билан тақ-

дирланганини эшитиб, барча чарчоқлари унутилди.

– Ҳалигача, ҳаяжондан ўзимга келолмайман, – дейди ҳамшира. – Камтарона меҳнатимни юқори баҳолаб, мени юксак мукофотга лойиқ кўргани учун Юртбошимиздан миннатдорман. Бу мукофот янада самарали меҳнат қилишимда қўшимча куч бераяпти.

Абдусотиқ СИДҚИВ, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг матбуоти котиби.

Фикр

«ЭНГ МУҲИМИ – ТУШКУНЛИККА ТУШМАСЛИК». КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНИБ, РЕАНИМАЦИЯДАН СОҒАЙИБ ЧИҚҚАН БЕМОР ҲИКОЯСИ

Кип.uz мухбири COVID-19'га чалиниб, даволаниш жараёнида ҳатто жонлантириш бўлимига ётқизилган, ҳаммасига қарамай касалликни енгиб ўтган 55 ёшли ҳамюртимиз Собир Шермухаммедов билан суҳбатлашди.

Таъкидлаш жоиз, суҳбатдошимиз мамлакат тиббиёт тизими ҳозирги аҳволга келиб қолмасидан биров олдин даволаниб чиққан. У ҳозир аҳволи яхши экани, лекин айрим асоратлар, масалан нафас олишда биров муаммолар ҳозиргача борлигини айтиб ўтди.

– Собир ака, аввало, ўзингиз ва ҳозирги тиббий аҳолининг ҳақида маълумот берсангиз.

– Тошкент шаҳри Яккасарой туманида истиқомат қиламан. Ўтган ойда коронавирус касаллигини бошимдан ўтказдим. Менда касаллик нисбатан оғир ўтди. Аввал "Янги ТошМИ"да даволандим, сўнг Яккасарой тумани Тез тиббий ёрдам бўлимига реабилитация учун ўтказишди. Ҳозир ўзимни 85-90 фоизга соғлом ҳис қиламан.

Йида 4 киши: онам, рафиқам, ўғлим ва мен яшаймиз. Онам 78 ёшда, у ҳам коронавирус инфекциясидан даволанди, касаллик онамда жуда оғир ўтди.

– Ҳаммаси қачон ва нимадан бошланди?

– Коронавирус аниқланган дўстим телефон қилиб ўзида вирус COVID-19 аниқланганини айтиб, у билан мулоқотда бўлганим учун менга ҳам бориб тест топширишни маслаҳат берди.

Дўстим билан тахминан мулоқотда бўлганимдан сўнг бир ҳафтадан сал кўпроқ муддат давомида ҳеч қандай аломат сезмадим. Лекин кейинрок, ўзимда ҳолсизлик, тана ҳароратининг биров кўтарилиши ва томоғимнинг маълум қисмида оғриқ пайдо бўлиши каби енгил симптомларни сеза бошладим.

Бошида шамоллаш деб ўйлаган эдим, лекин тана ҳароратининг ошиши, бўғимларда оғриқ кузатилиши, нафас киши каби жиддий аломатлар сезила бошлади.

Шундан сўнг зудлик билан Санитария-эпидемиологик осовишталлик марказига мурожаат қилдик, улар келиб П3Р таҳлилинни олишди, ўшанда натижалар ҳозиргидан анча тез – 2 кунда аниқ бўлган. Менга телефон орқали COVID-19 аниқланганини, ярим соат ичидан тайёр бўлишим кераклиги

ни айтишди. Сўнг "Янги ТошМИ"га жойлаштиришди, бу пайтда иситмам 39 градусдан ошганди.

Шифохонага жойлаштиришганимнинг эртасигаёқ қон-сийдик таҳлилларини олишди, лекин негидир рентген таҳлили кечикди. Аҳолим оғирлашаётгани туфайли тезроқ рентген қилишларини талаб қилдим. Ўшанда тўғри қилганимга амин бўлдим, сабаби ўпкамда икки томонлама пневмония аниқланди.

Шундан сўнг врач-пульмонологлар келиб муолажа қилишди, берилган дориларни ича бошлагач, ўзимни нисбатан енгил ҳис қилдим. Бироқ бу вақтинчалик енгиллик бўлиб чиқди. Шифохонага ётқизилганимнинг учинчи куни аҳолим жуда оғирлашди: иситмам 40 градусдан ошди, нафасим қисса бошлади. Мени реанимация бўлимига ётқизишди, 3-4 кунлик тинимсиз муолажалардан сўнг аҳолим яхшиланди.

Бу орада мендан яна тест олинди ва шифохонада даволанишни бошлаганимнинг тахминан 11-куни COVID-19 йўқлиги тасдиқланди.

Врачлар мени ҳам хавfli ёш тоифасига киришимни айтишди. Бундан ташқари, стенокардия ва сурункали холецистит каби ёндош касалликлар ҳам бор.

– Уйдагиларда сиздан бошқа яна кимлар вирус билан зарарланди?

– Оиламизда онам ва мендан бошқа ҳеч кимда коронавирус аниқланмади, сабаби коронавирус юқтирган шахс билан мулоқотда бўлганимни билишим билан ўзимни изоляция қилдим. Лекин унчага мендан онамга ҳам вирус уққан экан.

Онамда ҳам турли аломатлар сезила бошлагач, Вирусология илмий-текшириш институтига ётқизишди. Унда касаллик енчи катта бўлгани учун ҳам анча оғир кечди. Одатий ҳолларда ҳам онамда шамоллаш ва грипп оғир ўтарди. Лекин ҳаракат системаси ва жигар, ўпка билан боғлиқ муаммо йўқ эди.

– Даволашда қандай дорилар ишлатилгани ҳақида маълумот бера оласизми?

– Мен учун ишлатилган дориларни, касаллик варақасини тўлиқ тарзда ижтимоий тармоқда гаҳиҳа саҳифамга жойлаганман. Пневмония аниқланганда 3 хил антибиотик томчи дорилар бе-

ришди. Бундан ташқари, вирусга қарши ва иммунитетни кўтарувчи дорилар беришди.

Мен ҳатто бир ҳафтада тест натижаси манфий натижа кўрсатиб, шифохонадан чиқиб кетган инсонларни ҳам кўрдим. Шифохонада даволанаётганларнинг тахминан 70-80 фоизи коронавирусни симптомсиз ёки жуда енгил формада ўтказаятган одамлар эди. Аксар кўринишдан соппа-соғ, лекин тест жавоби мусбат чиққан эди.

Мен шифокорлар ва уларнинг қилган хизматидан жуда миннатдорман. Сабаби улар ўз яқинига қарагандай меҳрибонлик қилишди, касаллик пайтидаги ҳар қандай инжиқлигимизни кўтаришди. Уларнинг юзини ҳам кўрганимиз йўқ. Ҳимоя кийимлари остидagi врачларнинг буй-баста ва овозига қараб тахмин қила олардик холос. Улар ҳар 6 соатда алманиб ишларди, шифохонанинг ўзида яшашди. Иссиқ ҳавода қўйиб юришган химоя воситаларининг ўзи билан ҳаракатланиш ҳам осон бўлмас керак. Врачлар шу аҳволда ҳам фидокорлик билан ишляпти.

Менимча, ўзбекистонлик шифокорлар ҳам касалликни даволашни ўзлаштириб олишган. Сабаби, даволанишга ётқизилаётган беморларнинг 99,9 фоиз имкон қадар қисқа муддатда тuzалиб чиқшаётган эди.

Лекин мен даволанган шифохонада санизулалар ҳолати билан боғлиқ кичик камчиликлар, лекин бу шифокорларнинг хизмати ва миннатдорчилигимга таъсир кўрсатмайди.

– Сиз ўзингизни қачон яхши ҳис қила бошладингиз?

– Шифохонага тушганимнинг 11-куни гарчи ҳолсизлик кузатилаётган бўлса-да, ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Менда касаллик оғир кечгани учун реанимациядан Яккасарой тумани Тез тиббий ёрдам бўлимига реабилитацияга ўтказишди. Лекин у жой реабилитация маркази эмас, балки изолятор вазифасини бажариш учун ихтисослашган экан.

Мен физиотерапевт, пульмонолог ҳолатимни кузатишди, деб ўйлаган эдим. Лекин у ерда бу шароитлар йўқлигини айтишди. Унда бу ерда қолишдан кўра, уйга қайтаришларини сўрадим. Сўнг мендан тест олинди, натижа эса 4 кундан сўнг чиқди. Биринчи бор тест топшириганимда натижа 2 кунда чиққан бўлса, бу муддат энди 4 кунга узайган эди. Мен билан бир хонага жойлаштирилган бир кишининг тест жавоби эса 6 кунда чиқди.

– Янги тест жавоблари эр-

тароқ чиққанда жойлар ортиқча банд қилиб турилмас эдимиз?

– Фикримча, соғлиқни сақлаш тизимидаги бу муаммо врачларнинг малакаси ёки даволаш билан боғлиқ эмас, ташкилий муаммо бўлса керак. Масалан, касаллик симптомлари оғирлаша бошлаган бемор тест топширишга муваффақ бўлса, лекин шунда ҳам натижа 4 кундан кейин чиқса, унинг аҳоли жуда оғирлашиб қолиши мумкин.

Мен даволанаётганимда бир врачнинг вафот этгани ҳақида эшитдим. Эшитишим бўйича, унинг таҳлил натижаси биринчи шубҳали чиққан, шунинг учун яна қайта тест топширишни сўрашган, кейинги жавоб чиққунча эса вақт ўтган.

– Сизнингча, ҳозирги энг катта муаммо тест натижаларининг кечикиши билан боғлиқми?

– Тест натижалари бўлмаса, шифохоналар беморни қабул қилмайди. Нафаси қисаётган беморга кислород бериш керак, агар унга кераклик пайтда ҳаво берилмаса, организм бардош бера olmayди. Бунда тиббий ёрдам кечикиши мумкин.

Фуқаролар ҳам эътиборли бўлиб, ўзларининг тана ҳарорати, пульс ва қоннинг кислород билан тўйинганлик даражасини ўлчаб боришса, вазиятни назорат қила олишлари осонроқ бўлади.

– Сизда биринчи аломатлар пайдо бўлганда сўнг соғайишингизга 11-12 кун вақт керак бўлган, тўғрими?

– Бу вақт мобайнида мени нисбатан барқарор ҳолатга келтиришди, лекин бу дегани соғлом ҳолатда эканимни аниқламасди. Шифокорлар ҳам касалликдан сўнг ўзингизга келишингиз учун яна 20 кун муддат давомида турли гимнастика, ўпкамни машқ қилдирувчи машғулотлар билан шугулланишим кераклигини айтишди.

Яккасарой тумани Тез тиббий ёрдам бўлимига реабилитация учун ўтказилганимни ҳам қўшиб ҳисобласа, ҳаммаси бўлиб, 24 кундан сўнг уйга қайтдим. Онам эса мендан сўнг яна 4-5 кун кўпроқ даволанди. Бундан ташқари, касаллик пайтида бемор яхши ухлалмайди. Мен ҳам тахминан 8 кун яхши ухлалмадим. Бу ҳам жуда азоб берди. Уйқусизлик фақат мен-

да эмас, онамда ва мен билан айрим беморларда ҳам кузатилган. Мана шу нарса ҳам бемор тузалган ҳам организмни кучсизланишига сабаб бўлади.

Ҳозир аҳолим яхши, лекин айрим асоратларини ҳали ҳам сезяпман. Масалан, нафас олаётганимда бронхларимда айрим муаммолар кузатиляпти. Мана шу асоратлар билан курашишга ҳаракат қиламан.

– Бошқа беморларга ва умуман барчага нималарни тавсия қилган бўлардингиз?

– Онам билан кузатилган бир ҳолатни айтмоқчиман: онамда муолажалар давомида қоннинг кислород билан тўйинганлик даражаси бирданига пасайиб кетган. Врачлар ҳам нима қилишни билмасдан иккиланиб қолишади. Маълум бўлишича, онамда антибиотикларга сезувчанлик пасайиб кетган экан. Шунинг учун қилинаётган муолажалар таъсири сезилмаган.

Биз билан АҚШнинг Бруклин шаҳрида ҳамшира бўлиб ишлайдиган, карантин туфайли АҚШга кета олмаган қариндошимиз ҳамшира киз яшайди. У АҚШлик мутахассислар билан ҳам доимий алоқада эди. Вазиятни тушунтиргач, хорихлик шифокорлар қўланаётган антибиотиклар ўрнига бошқа дорини тавсия қилишган. Бу дорини Ўзбекистондан топа олмадик, Россиядан келтирдик. Шундан кейин онамнинг аҳоли яхшиланди. Ўша муддат оралиғида фақат Аллоҳдан шифо беришини сўрадик. Аллоҳ онамни қайтиб берди. Ҳозир касалликни бошидан ўтказаятган юрдошларимизга маслаҳатим – биринчи навбатда тушкунликка тушишмасин. Аввало, ҳаммамни Аллоҳнинг ўзи асрасин, лекин агар коронавирუსга чалинган бўлишса, бироқ тест топшира олишмаган бўлса ҳам, бирор шифокор билан боғланиб маслаҳат сўрашин. Фақат уларгина яхши маслаҳатчи бўлиши мумкин. Бироқ кимнингдир аҳоли оғирлашадиган бўлса, имкон қадар тиббиёт муассасасига жойлаштиришга ҳаракат қилиш тўғри бўларди.

Жамшидхон ЗИЁНОВ
суҳбатлашди.

Актуальная тема

БЕРЕГИТЕ СЕБЯ, РОДНЫХ И БЛИЗКИХ

Под руководством Президента страны более четырех месяцев ведется повсеместная и беспощадная борьба против распространения COVID-19. Для достижения поставленных целей мобилизованы государственные органы управления, министерства, ведомства, хокимияты, бизнес структуры, активисты махаллей, широкие слои населения. Врачи и специалисты на местах делают все возможное для защиты здоровья населения. Несмотря на возникающие трудности, они обеспечивают строгое соблюдение санитарно-эпидемиологических норм.



К сожалению, в настоящее время крайне напряженной остается эпидемиологическая обстановка в городе Ташкенте и Ташкентской области. За прошедшие месяцы случаи заражения зафиксированы во многих районах и городах нашего региона. По состоянию на июль текущего года наибольшее число заболевших зарегистрировано в Кибрайском, Зангиатинском, Паркентском и Янгиюльском районах.

В такой непростой обстановке специалисты Областного центра санитарно-эпидемиологического благополучия проявили сплоченность и максимум ответственности, мобилизовали все имеющиеся ресурсы, последовательно принимают неотложные меры по предотвращению распространения инфекции среди населения.

Здесь стоит отметить заслуги всех 65 врачей эпидемиологов и 74 медицинских работников среднего звена.

Не жалея ни сил ни времени также трудятся 220 дезинфекторов и более 460 привлеченных на договорной основе специалистов и волонтеров. На данное время эти самоотверженные люди провели дезинфекцию более 23 400 частных домов и квартир, свыше 22 700 различных организаций и мест скопления людей, около 6,8 миллионов автотранспортных средств.


Учитывая огромный поток граждан Узбекистана, прибывающих из зарубежных стран, на границах с соседним Таджикистаном и Казахстаном значительно усилена работа санитарно-карантинных пунктов. В этих целях на всех СКП установлены тепловизоры, завезены пирометры и другие дезинфекционные приборы и оборудование. Здесь круглосуточно дежурят 35 подготовленных врачей и специалистов.

В целях качественного тестирования населения на наличие коронавируса мобилизованы ресурсы трех базовых лабораторий Областного центра санитарно-эпидемиологического благополучия. Большую активность в решении возложенных задач также проявляют специалисты Ташкентского района. Находясь на стадии завершения установки и запуска диагностического оборудования в Зангиатинском и Уртачирчикском районах, городах Бекабад и Алмалык. Всего с момента начала тестирования населения на наличие коронавируса обследовано свыше 155 тысяч жителей

столицы и Ташкентской области. Сотрудники лабораторий осуществляют круглосуточный прием пациентов и обработку анализов. Информация обо всех инфицированных направляется в вышестоящие государственные органы, которыми принимаются соответствующие решения о госпитализации и изоляции больных.

Обретенный опыт доказывает, что ограничиваться лишь медицинскими и противоэпидемиологическими мерами оказывается не вполне достаточно.

Граждане обязаны постоянно проявлять бдительность и осторожность. Важно помнить, что опасность заражения COVID-19



пока еще существует.

В этой связи Республиканской комиссией принято решение об усилении с 10 июля текущего года карантинных мероприятий, активизации деятельности государственных и негосударственных структур по обеспечению поэтапного снижения и стабилизации показате-

телей заболеваемости среди населения.

Исходя из целей и задач, поставленных правительством страны и хокимиятом Ташкентской области по усилению противоэпидемиологических и профилактических мероприятий, мы делаем все возможное для охраны здоровья населения. Совме-

стно с сотрудниками правоохранительных органами, руководителями государственных учреждений и организаций, активистами махаллей усиливаем контроль, ведем широкую разъяснительную работу среди населения.

Нельзя забывать, что все реализуемые меры могут принести эффект только при строгом соблюдении каждым требований и норм личной гигиены, грамотном использовании средств индивидуальной защиты в общественных местах и домашних условиях.

Уважаемые жители Ташкентской области! Просим вас проявлять бдительность и максимальную осторожность. Не покидайте свои дома без крайней на то необходимости. Только таким образом мы сможем противостоять COVID-19!

Берегите себя, своих родных и близких.

А. САТВАЛДИЕВ,
главный врач
Ташкентского областного
центра санитарно-
эпидемиологического
благополучия.

**НЕ СМЕШНО: СТАРЧЕСКАЯ
БЕСПОМОЩНОСТЬ ЗАВИСИТ
ОТ ПОЗИТИВА ЧЕЛОВЕКА**

Ученые нашли взаимосвязь между частотой смеха и здоровьем в старости.

Люди, которые редко смеются в повседневной жизни, рискуют оказаться беспомощными в старости. Такую взаимосвязь установили японские ученые, которые за три года сумели обследовать группу добровольцев, состоящую из 14 233 человек в возрасте старше 65 лет. Исследователи ставили задачу выяснить, зависит ли способность обслуживать себя самостоятельно в преклонном возрасте от оптимизма человека в более ранние годы. Как оказалось, такая связь действительно есть. У людей, которые не смеются в повседневной жизни, в 1,4 раза возрастает риск того, что впоследствии они становятся беспомощными.

«Есть данные, что частый смех приводит к улучшению иммунных функций и стимулированию кровообращения. Думаю, что такой же механизм действует и в случае общего состояния, когда потребность в посторонней помощи возникает или человек обходится своими силами в повседневной жизни. В данном случае в исследовании мы за критерий взяли ту степень зависимости от посторонней помощи, когда человек не может сам вставать и ходить, ему необходима помощь при обслуживании себя», - пояснил руководитель группы, доцента Департамента профилактической медицины отдела медицинских наук и исследования университета Нагоя Кэнди Такуэти.

Связь между смехом и здоровьем в старости была выявлена впервые. Кэнди Такуэти полагает, что причину подобной связи необходимо искать в повышении иммунитета.

medikforum.ru

**ВРАЧИ РАССКАЗАЛИ ОБ ОСЛОЖНЕНИЯХ
ОТ КОРОНАВИРУСА НА СЛУХ**

Как минимум у каждого восьмого переболевшего COVID-19 через несколько недель проявились проблемы со слухом. Такие данные в издании American Journal of Otolaryngology обнародовали аудиологи из Университета Манчестера после проведенного исследования.

Медики отслеживали состояние 121 пациента, все они проходили лечение от коронавируса в клинике Уайтэншоу. 16 человек заявили об ухудшении слуха, которое проявилось через два месяца после выписки из больницы.

«Восьмь пациентов рассказали, что они стали плохо слышать, еще восемь сообщили, что у них появились нарушения в виде шума в ушах», - отметил ведущий автор исследования профессор Кевин Манро.

Как минимум у каждого восьмого переболевшего COVID-19 через несколько не-

дель проявились проблемы со слухом. Такие данные в издании American Journal of Otolaryngology обнародовали аудиологи из Университета Манчестера после проведенного исследования. Медики отслеживали состояние 121 пациента, все они проходили лечение от коронавируса в клинике Уайтэншоу. 16 человек заявили об ухудшении слуха, которое проявилось через два месяца после выписки из больницы.

«Восьмь пациентов рассказали, что они стали плохо слышать, еще восемь сообщили, что у них появились нарушения в виде шума в ушах», - отметил ведущий автор исследования профессор Кевин Манро.

По словам ученого, воздействие новой коронавирусной инфекции на слуховую систему предполагалось, поскольку другие вирусы, такие как корь, эпидемический паротит и менингит также могут вызывать проблемы в этой области.

Манро отметил, что речь, ве-

роятнее всего, может идти о слуховой невралгии, при которой нарушается передача сигналов по слуховому нерву в мозг. Средний возраст пациентов, сообщивших о таком последствии COVID-19, составляет 64 года. У некоторых из них проблемы со слухом возникли раньше и после заболевания усугубились, у большинства - никогда ранее не проявлялись.

Исследователь отмечает, что определить точную причину влияния нового коронавируса на слуховую систему еще предстоит, поскольку существует ряд других факторов, вызывающих потерю или нарушения слуха. Это и стресс, и применяемые против патогена лекарства и даже использование мажор для лица. Тем не менее, уже имеется достаточно доказательств того, что COVID-19 имеет долгосрочные последствия для одного из основных органов чувств человека.

www.rg.ru

Тажриба, маҳорат ва амалиёт

МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали шифокорлари билан ҳамкорликда жигар саратони касаллигини даволашда артерия қон томирларида кимёвий эмболизация усули ёрдамида жарроҳлик амалиёти ўтказилди.



– Онкологик хасталиклар диагностикаси ва даволаш жараёни билан бошқа касалликлардан кескин фарқ қилади, – дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали директори, профессор Миржалол Жўраев. – Шифокорларимиз Самарқанд тиббиётида илк марта жигар саратони касаллигини даволашда кимёвий эмболизация усулини қўлади. Мазкур амалиёт мураккаб жараён бўлганлиги сабабли республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг бир гуруҳ малакали мутахассислари ҳам уларга яқиндан ёрдам берди. Келгусида бу ишни уларнинг ўзи мустақил бажариш кўникмасига эга бўлди.



Шу пайтгача Россия, Хиндистон, Исроил, Корея, Германия каби тиббиёти ривожланган давлатлар клиникаларида амалга оширилган мазкур жарроҳлик усули юртимизда ҳам бажарилади.

F. ҲАСАНОВ.

COVID-19
кундалигиЎЗБЕКИСТОНГА 5899 ТА КИСЛОРОД
КОНЦЕНТРАТОРИ КЕЛТИРИЛДИ

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давлат божхона кўмитаси бошқарма бошлиғи Фарҳод Олимжонов иштирокида бўлиб ўтган брифингда маълум қилинди.

Айтилишича, сунъий нафас олдириш аппаратлари 2020 йил 31 декабрга қадар божхона божи ва акциз солигидан озод қилинган. 2020 йил 1 октябрга қадар кислород концентраторлари импорт қилинган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказилмасдан ҳамда мажбурий сертификациялаштирмасдан божхона расмийлаштирувидан ўтказилади. Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги фармониغا асосан юртимиз чегара-божхона постлари орқали тезкорлик билан ўтказиш, уларни узлуксиз божхона расмийлаштируви, шунингдек, экспорт-импорт қилинаётган товарларга рухсат берувчи ҳужжатлар берилишини тезлаштириш мақсадида тезкор штаб ташкил этилди.

ҚАЧОН ТАКРОРИЙ ТЕКШИРУВ
ЎТКАЗИЛМАЙДИ

Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Лазиз Тўйчиёв Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги турдаги коронавирус инфекциясини даволаш бўйича олтинчи қўлланма ишлаб чиқилганини маълум қилди.

– Коронавирус билан касалланишни 4-5 июнь ва кечаги расмий кўрсаткичга аҳамият берадиган бўлса, 5 июнда 16 та ўлим қайд этилган. 4 август ҳолатига кўра, ўлим сони 165 тага етди. Беморлар сонига нисбатан олганда соғайганлар кўрсаткичи аввалги 81 фоиз бўлса, бугун 60 фоизни ташкил этмоқда. Беморда 10 кун ичида клиник белгилар пайдо бўлмаса улар такрорий текширилмайди. Бизнесинг назоратдан чиқиб кетади.

Беморларга бал қўйиш тизими ҳам жорий этилмоқда. Уларнинг ҳолати оғирлашаётгани ёки енгиллашаётгани баҳолаб борилади. Олтинчи қўлланма бугун барча шифокорларга тарқатилади.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

ҲОЗИРГИ ШАРОИТЛАРДА
ПУЛЬСОКСИМЕТР НИМА
УЧУН КЕРАК?

Кейинги вақтларда шифокорлар аҳолига пульсоксиметр деган ускунадан фойдаланишни тавсия этишяпти. Оғир эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб бугун сизларга шу асбоб тўғрисида маълумот беришга қарор қилдик.

Пульсоксиметрнинг асосий вазифаси қоннинг кислород билан тўйиниши даражасини аниқлаб беришдан иборат. Оддий қилиб тунунтирадиган бўлсам, пульсоксиметр ҳужайраларнинг кислород билан тўйинганлик даражаси (сатурация)ни кўрсатиб беради. Мазкур рақам фиозларда ифодаланади ва бу кўрсаткич қанча юқори бўлса шунча яхши. Шифокорлар тавсия қилаётган норма 95-98 фоизни ташкил этади. Яна бир муҳим жиҳати, пневмония ва короновирус билан касалланган беморларда сатурация даражасининг пасайиши кузатила экан. Шунинг учун ҳам мутахассислар мазкур кўрсаткич 93 фоиздан паст бўлган тақдирда дарҳол шифохонага ётишни ва кислород маскасига улаишни тавсия қилишяпти. Энди ушбу ҳолатларни асослаш учун бир фуқаро куйидаги фикрларини билдириб ўтди: «Бир ҳафтадан бери ўзимда юрак уриш тезлиги (пульс)ни ва сатурация даражасини ўлчаб ту-



рибман. Кўз тегмасин, ҳаммаси яхши. Пульс минутига ўртача 60 дан паст, сатурация эса – 97-фоиз атрофида. Сизларга ҳам мазкур ускуна орқали соғлигингизни назоратда ушлашни тавсия қиламан. Пульсоксиметрни тиббиёт ускуналари сотиладиган дўконлардан харид қилишингиз мумкин. Жуда фойдали ускуна, айниқса ҳозирги шароитларда. Дарвоқе, агар пульсоксиметр топишинг иложи бўлмаса, яна бир вариант бор. Samsung Galaxy S туркумидаги смартфонларда Samsung Health функцияси орқали ҳам пульс, сатурация ва стрессга мойиллик даражасини билиб олишингиз мумкин».

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги
Матбуот хизмати.

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Пойтахтимизнинг Миробод тумани Фавкулотда вазиятлар бўлими томонидан аҳоли орасида болаларни қаровсиз қолдириш ва йиғилиб қолган қуриган шох-шаббалар ҳамда ўтларни ўз вақтида тозаламаслик кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши бўйича тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Яқинда «Салар» маҳалла фуқоролар йиғини худудидан оқиб ўтувчи Салар канали атрофида 40 кв² майдонда қуриган ўт ёнган. Унинг натижасида, кўнгилсиз воқеа юз берди. Ёз мавсумида об-ҳавони кескин исиб кетиши ушбу ҳолатларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу борада туманимиз ёнган хавфсизлиги бўлими ходимлари бoш мутасадди идораларнинг ходимлари билан биргаликда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилиши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Маҳалла-

ларда, корхона ва ташкилотларда шу масалада учрашувлар, савол-жавоблар ўтказилиб, кенг қамровли ҳашар тадбирлари олиб боришмоқда.

Албатта, бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ҳар биримизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак!

Ҳасан СОБИРОВ,
Миробод тумани ФВБ инспектори, катта сержант.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Л.Исаев номидаги тиббий паразитология илмий-тектириш институти жамоаси институтнинг тиббий гельминтология ва клиник паразитология бўлими мудири, тиббиёт фанлари доктори
Тельман АБДИЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилми: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март кuni рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 1128 нуска.
Буюртма Г-850.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.